



Muslim ATAYEV^A

^a Doctoral Student, International Islamic Academy of Uzbekistan,
Candidate of Historical Sciences
11 A. Qadiri Street, 100011, Tashkent, Uzbekistan
E-mail: Sulaymon200774@yandex.com

ҚАДИМГИ ДАВР ВА ЎЛК ЎРТА АСРЛАРДА УСТРУШАНА АҲОЛИСИ ҲАЁТИДА ДИНЛАРНИНГ ЎРНИ

Аннотация. Мазкур мақолада қадимги Уструшана аҳолиси эътиқод қилган диний-маънавий қадриятларнинг хилма-хиллиги таҳлил этилади. Муаллиф ушбу ҳудудда ибтидоий эътиқод шаклларида бошлаб, тотемизм, шомонизм, монийлик, зардуштийлик, буддавийлик ва насронийлик каби диний қарашларнинг тарихий шаклланишини изоҳлайди. Хусусан, ҳайвонларга сизиниши ва уларни тотемик тимсол сифатида қабул қилиш ҳолатлари кенг ёритилган.

Ит, бўри, айиқ, қуш, илон, қоплон, тоғ эчкиси, от, ҳўкиз ва бақа сингари ҳайвонлар тасвири диний эътиқодлар ва урф-одатларда қандай ифода топгани тарихий ва этнографик далиллар асосида кўрсатиб берилди. Ит ва бўри тотемларининг ҳимоя функцияси, инсон руҳи билан боғлиқлиги, ҳўкиз ва отнинг эса фаровонлик ва ҳокимият рамзи сифатидаги ўрни алоҳида таъкидланади. Айниқса, ит тотемининг «ит кўйлак», «ит кўрпа» каби иборалар орқали болалар ва ёш оилаларга оид урф-одатлардаги роли кўрсатиб ўтилади. Бўри тотеми эса туркий халқларнинг генеологиясида муҳим ўрин эгаллаган бўлиб, қадимги турк давлатлари ва Уструшана афшинлари маданиятида чуқур акс этгани қайд этилади.

Шунингдек, мақолада ҳўкиз тотемининг Маҳабҳарата эпоси ва Гопадшоҳ тимсоли билан алоқадорлиги, отларнинг ижтимоий ва диний мавқеи, тоғ эчкиси, бақа ва бошқа тотемларнинг деҳқончилик, ҳосилдорлик ва ёвуз руҳлардан ҳимоя каби диний функциялари таҳлил этилади.

Калит сўзлар: Ўрта асрлар, Уструшана, Зомин, буддавийлик, Фарн, тотем, ҳайвон, бўри, зиёратгоҳ, динлар, шаман, эътиқод, удумлар.

THE ROLE OF RELIGIONS IN THE LIFE OF THE POPULATION OF USTRUSHANA IN ANCIENT TIMES AND THE EARLY MIDDLE AGES

Abstract. This article analyzes the diversity of religious and spiritual values held by the ancient population of Ustrushana. The author outlines the historical development of religious views in the region, beginning with primordial belief systems such as totemism, shamanism, Manichaeism, Zoroastrianism, Buddhism, and Christianity. In particular, the worship of animals and their acceptance as totemic symbols are widely discussed.

The depiction of animals such as dogs, wolves, bears, birds, snakes, leopards, mountain goats, horses, oxen, and frogs in religious beliefs and customs is examined through historical and ethnographic evidence. The protective roles of dog and wolf totems, their connection to the human soul, and the recognition of oxen and horses as symbols of prosperity and power are especially highlighted. Special attention is paid to the role of the dog totem in customs related to children and young families, illustrated through expressions such as «dog shirt» and «dog blanket.» The wolf totem, which holds a significant place in the genealogy of Turkic peoples, is also noted for its deep reflection in the culture of early Turkic states and the Ustrushana Afshins.

Additionally, the article discusses the connection between the ox totem and the Mahabharata epic, the image of Gopadshah, the social and religious status of horses, and the spiritual functions of other totems, such as mountain goats and frogs, in relation to agriculture, fertility, and protection from evil spirits.

Keywords: Middle Ages, Ustrushana, Zamin, Buddhism, Farn, totem, animal, wolf, shrine, religion, shaman, faith, customs.

КИРИШ

Қадимги Уструшана аҳолисининг диний-маънавий кадриятлари хилма-хил бўлиб, улар тотемизм, шаманизм ва монийлик каби тасаввурлардан тортиб, зардуштийлик, буддавийлик, христианлик каби динларга қадар кенг қамровни ўз ичига олган. Худудда ибтидоий динлар параллел равишда, жаҳон динлари эса олдинма-кетин ёйилган. Дастлабки диний эътиқодлар тотемистик қарашлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Улар, асосан, йиртқич ҳайвонларни муқаддаслаштиришда ўз ифодасини топган. Айни бир одамлар гуруҳини маълум бир ҳайвон туридан вужудга келган деб эътиқод қилиш, тотемистик тасаввурнинг асосий моҳиятини ташкил этган¹.

АСОСИЙ ҚИСМ

Қадимги туркий халқлар ит тотемига балоқазолардан ва инсу жинлардан сақловчи, шунингдек, янги туғилган болаларни химоячиси сифатида эътиқод қилишган (Пардаев М. 1995: 42-46.). Итни муқаддаслаштириш билан боғлиқ дафн одатлари мезолит давридан маълум (Дубова Н.А. 2012:131). Хитой манбаларида Ухуан халқида ҳам марҳумни олдига итни олиб келиб, унинг руҳини қўриқлашни буюриш удум бўлган (Бичурин И. 1851:153-154). Сибир халқларида ит шаманга қиёсланади ва одамзод вафот этиши билан унинг руҳи итга ўтади, деган тасаввур орқали илоҳийлаштирилган. Итни уриш ёки ўлдириш мумкин эмас, фақат қурбонлик учун қон чиқармасдан, сирт билан осиб ўлдириш мумкин ҳисобланган.

Уструшана аҳолиси удумларида ҳам ит тотеми билан боғлиқ тасаввурлар антик даврдан бошлаб кенг ёйилган. Уструшанада янги туғилган чақалоқнинг қирқ кунлик кийими «ит қўйлак», сочлари эса «итлик соч» деб аталган. Илк никоҳланган келин-куёвларни тагига тўшаладиган қўрпа «ит қўрпа» дейилган. Ёш боланинг қорни оғриб қолса, «кинна» кирган ҳисобланиб, бола қорни атрофи ва бошига нон ушоғи силаниб,

¹ Уруғларнинг муқаддас ҳайвонлари (тотеми) бўлиб, кишилар ўзларини шу ҳайвонлардан тарқалган, деб ҳисоблаган, жилонди (илонли), жилонтамғали (илон-тамғали), кулон, окбура, қорабура (бура-бувра-буғра – бичилмаган эркак туя), қарға, шағал (шоко-л-чиябўри), эчки, хўкиз этнонимлари шулар жумласидандир. Ҳайвон номлари билан аталган этнонимлар баъзан шу уруғ аجدодининг лақаби ҳам бўлиши мумкин.

сўнгра итга берилган (Тошбоев Ф.Э. 2022:111). Уструшананинг Хонтепа ёдгорлиги атрофидан, аввал қуёшда қурилиб, ундан кейин хумга дафн қилинган ит суяклари топишган. Идишга ит бош суягини солиб дафн этиш Уструшана ҳудудидаги Ширинсой ва Куркат яқинидаги қабрларда ҳам учрайди. Буни «Авесто»даги «одам ва итнинг мақоми вафотидан кейин тенглаштирилиши» тўғрисидаги ақида билан изоҳлаш мумкин.

Уструшанада яшаган қанғуйларнинг зардуштийлик динидаги Фарнга сиғингани таъкидланади. Фарн қўй кўринишида деб қабул қилинган. Тарихий манбаларнинг хабарига кўра, Сосонийлар Эронида Шопур II давридан қўй образи кенг тарқалади. Шопур II жангга кирганида кийган дубулға қўй қалласига ўхшатиб ясалган, унга олтин суви юритилиб, қимматбаҳо тошлар қадалган дубулғадаги қўй тасвири, бир томондан, уруш ва ғалаба ҳомийси Вэрэтрагна атрибути бўлса, иккинчи томондан, ҳукмронлик, шохлик фарнини улуғлашни англатган (Пардаев М.Х., Гофуров Ж.И., 2016:261).

Уструшанада ўрганилган Қанғ даврига оид қулоччилик маҳсулотларидаги зооморф дастали сопол идишлар, қўчқор тасвири акс этган қозон, тагкурсилар, қабрлар ва остадон²лардаги қўй суяклари, тақинчоқ ва бошқа буюмлардаги қўй шаклидаги тасвирлар ҳам воҳада қўй култи анча кучли бўлганини кўрсатади (Пардаев М.Х. 1995:42-46). Қурбонлик учун сўйилган қўйнинг қалла суяклари эшик ва дарвозага осиб қўйилган³ ва бу билан аجدодлар руҳи ёки тотем чақирилган. Қўй тасвири ва бурама шохли қўчқор ҳайкалчалари, тотем ҳайвон бўрини, аниқроғи, бўри руҳини чақириш учун хизмат қилган (Литвинский. Б.А.1960:264).

Туркий халқлар генеалогияси билан боғлиқ деярли барча асотириларда шажара муқаддимаси бўридан бошланган ва унинг тотеми бўри тимсолида ифодалангани каби, Уструшана аҳолисининг эътиқодий қарашларида ҳам бўри тотеми энг кўп

² Остадон – Витевтада uzdo'na паҳлавий матнларда asto'don шаклида келган. этдан тозаланган суякларни сақлаш учун ишлатиладиган сербезак, қопқокли, қутисимон сопол идиш. Манбаларда Уструшанада оддий лойдан ясалган Куркат остадонлари, ўтовсимон остадонлар бўлгани қайд этилган.

³ Зомин ҳудудида жойлашган Қўчқор ота зиёратгоҳи, ёки унинг қарама қарши томонидаги тоғда жойлашган Қоплон ота зиёратгоҳлари ва у ердаги дарахтга осиб қўйилган улкан қўчқор шохлари ҳозирги кунда ҳам сақланиб қолган.

тарқалган тасаввурлардан биридир. Бўрига ҳомий сифатида қарашни шимолий-ғарбий Уструшанада истиқомат қилган аҳоли орасида ҳам учратиш мумкин. Бу ерда бўри чилласи даври эътиқодий қарашлари удуми кенг сақланиб қолган. Хитой сулолавий йилномаларидан бири Чжоу-шу (7/629) да ёзилишича, Хунну оиласидан чиққан қадимги турк хоқонлари ўз қабулига келган элчиларни бўри тасвири туширилган байроққа таъзим қилишга мажбур этишган экан. Шунингдек, ўғуз қипчоқларининг энг жанговар бўлини маси «фули», яъни «бўрилар» деб аталган.

Уструшана ҳукмдорлари – «афшин» (ʻpʃyn) лар (Бартольд В.В. 1962:497) қароргоҳи Қалъаи Қаҳқаҳа саройидаги тасвирларда бўри эмаётган икки бола акс этган. Тадқиқотчи Н.Негматов буни христианлик мифологияси билан боғлайди. Бизнингча, мазкур манзара туркий қавмлар этимологияси билан боғлиқ. Ўз навбатида, бу Уструшананинг кўпчилик аҳолиси VI-VIII асрларда туркийлардан иборат бўлганини кўрсатади.

Қадимги туркий халқларда ҳар бир уруғининг ҳайвон тотемлари ҳам бўлган. Масалан, Ўғузхон ўғиллари ва йигирма тўрт набирасидан ҳар бирининг ўзига туркий қавмларга хос алоҳида ҳайвон тотеми бўлган. Тотемлар, кўпинча, овчи қушлар образида бўлган⁴. Лекин, Уструшана аҳолиси айик, бургут, илон, қоплон, турли дарахтлар, тоғлар ва бошқа образлардаги тотемларга эътиқод қилгани манбаларда таъкидланади. Жумладан, Зоминдаги Қоронғисой қишлоғида илон, Ўриклисой қишлоғида айик, Жалойир қишлоғида Қоплон (бу қишлоқда асосан қирғиз миллатига мансуб қишлоқлар зиёрат қиладиган Қоплон ота зиёратгоҳи ҳам мавжуд), қолган қишлоқларда бўри тотемининг кенг ёйилганини кўриш мумкин (Пардаев М.Х. 1995:42-46).

Уструшанада хўкиз (қорамол) билан боғлиқ одатлар ҳам мавжуд бўлган. II-IV асрларда маҳаллий аҳоли хўкиз бошини ҳимоя кучига эга бўлган, бахтсизликларни олдини олувчи куч, оилани ҳар хил бало-қазолар ва етишмовчиликлардан асровчи, деб қаралган. Бинобарин, Уструшанада одам хўкиз – танаси хўкиз, юзи одам тасвири Гопадшоҳ⁵ кўп учраган (Богомолов Г.И. 2008: 133-141).

⁴ Ўғузхон даврида шунқор, укки, қуйканак, қўбаксари, турумтой, қарғу, қизил қарчиғай, қучган, лочин, сарича, баҳри, хумой, олатўғонок, буғдайнок, хумай, бургут, анчари, ёғалбой, байку, қарчиғай, италғу, туйғун, чарақарчиғай каби жониворлар муқаддас тотем ҳисобланган (Абулғози Баҳодирхон. 1995:22-23).

⁵ «Гопатшоҳ» атамаси уч компонентли сўз ҳисобланиб, биринчи икки компонент Авестодаги «гао-пати» – «чорва ҳокими», учинчиси эса анча кейинги пахлавийча қўшимча бўлиб «шоҳ» «подшоҳ» маъноларини беради

Абу Наср Утбий (ваф. 427/1036 й.) Ўрта Сирдарё бўйи чап соҳиллари (Уструшананинг шимолий ва ғарбий чегаралари)да яшаган чорвадор (ўғуз)ларнинг деҳқончилик воҳалари билан алоқалари ҳақида ёзган. Ўғузларнинг нафақат қадимги даврда, балки ўрта асрларнинг охиригача ҳам уструшаналиклар маънавий ҳаётига таъсири катта бўлган (Утби Абу Наср Муҳаммад ибн Абд аль-Джаббар, 1988:43-44). А.Хўжаевнинг ёзишича, ўғуз сўзи ҳозирги ўзбек тилида айтганда, «хўкиз» маъносини англатган ва ўтмишда куч-қувват рамзи сифатида ишлатилган ва Рузие⁶ давлати аҳолисининг тотеми бўлган (Ходжаев А. 2010:21).

Уструшанада – от тотем ҳам мавжуд бўлган. Қадимда отларни узоқ манзилларга элтувчи жонивор сифатида тасвирлаш кенг ёйилган. Қалъаи Қаҳқаҳадаги сарой мажмуасида подшоҳ тахтининг жуфт от кўринишида бўлгани ёки саройга кириш йўлида отнинг бошсиз танаси скелетининг тўлиқ анатомик шаклда арчадан ясалган тахтада ётган ҳолатда сақлангани (Андрианов Б.В., Байпаков К.М., Брыкина Г.А. 1999:122), отни тотемлаштириш билан боғлиқ тасаввурлар Уструшанада кенг ёйилганидан гувоҳлик беради. Отлар нафақат ёши ва хусусиятлари, балки рангига қараб ҳам ажратилган (Абдолниёзов Б., Исҳоқов М. 2008:74; Тошбоев Ф.Э. 2022:105). Уструшанадаги Асбоникат, Асбара каби топонимлар ҳам от тотеми билан боғлиқ.

Уструшана чорвадорлари орасида тоғ такасини ёки оддий уй ҳайвони – така билан боғлиқ қарашлар кенг ёйилган. Тоғ такасини тотеми жуда қадимдан мавжуд бўлиб, у сак қабилаларида кенг ёйилган, уструшаналиклар тасаввурларига кўра, ёвуз жин така қиёфасида намоён бўлар экан. Така билан боғлиқ ҳар хил воқеий ҳикоялар қадимги тасаввурларнинг давоми сифатида ҳозирги кунда ҳам учраб туради (Тошбоев Ф.Э., 2022:184).

Уструшана аҳолиси орасида бақа тотеми билан боғлиқ тасаввурлар ҳам мавжуд бўлган. Бурят ва олтой турклари афсоналарига кўра, бақа тескари ётган ҳолда қорнида заминни ушлаб туради (Каташ С., 1978:14). Уструшананинг қадимги аҳолиси эътиқодида бақа тотеми дастлаб ўтроқ деҳқончилик маданияти учун асосий мафкура ҳисобланган ер-сув муқаддаслиги билан боғлиқ ҳосилдорлик, фаровонлик тимсолларидан бири бўлган. Уструшананинг Куркат даҳмаларидан

⁶ «Қадимий хитой манбаларида «нгузие», «рузие» атамаларидан давлат номи сифатида ишлатилган. Аммо бу атамалар «ўғуз» ёки «ғуз» сўзидан келиб чиққан

фаянсдан ишланган бақа ҳайкалчаши топилган (Мирбабаев А.М., 2005:395). Шу ўринда айтиш мумкинки, бақа тимсоли Веда санскрит мадҳиялар тўплами «Ригведа»да алоҳида «бақа мадҳияси» сифатида баён этилиб, унга кўра, бақа ёмон кўз ва ёвузликлардан сақловчи илоҳ, бақанинг вақиллаши эса баҳор ва ёмғирли кунларнинг яқинлашиб келаётганидан дарак берар экан (Елизаренкова Т.Я., 1989:767). Қорақалпоқ халқи аёллар тақинчоқларида «бақа туйма» номи билан аталувчи тақинчоқлар вояга етган қиз ва келинларга тақилган (Мамиров О.У., 2023:56).

Қадимги Уструшана аҳолиси эътиқодида дев образи чуқур ўрнашган унсурларидан бири ҳисобланади. Ушбу образ илк маротаба Ведаларда «дева» – «ярқировчи» деган маънода қўлланилган бўлса, Авестода «даева», «дев» шаклида тилга олинган бўлиб, Зардушт юз ўғирган, ёвуз маъбуд маъносини англатган (Бойс М., 2003:31). Тарихчи Бан-Гунинг «Цянь ханьшу» («Хан катта хонадони тарихи») йилномасида келтирилган 630 йилда Ўрта Осиёда бўлган хитойлик сайёҳ Сюань-Цзяннинг «Сиюйсьзи» асарида ушбу ҳудуд аҳолисини қуйидагича таърифлайди: «...Бу ўлкада ғарбий денгиз (Каспий)дан шарқда жойлашган барча халқлар «Дэси руҳи»га ибодат қиладилар (Бичурин Н.Я., (Иакинф). 1950:275).

Дэси руҳига сиғиниш Уструшана аҳолиси эътиқодларидан бири бўлгани исботлари манбаларда зикр этилган (Henning W.U., 1965:252-254). Масалан, Уструшана шоҳлари саройи деворларида ва Панж ҳокимлигининг маркази Панжикентда аниқланган VIII аср биринчи ярми билан даврлаштирилган уйлардан бирининг деворларида турли худолар ва инсонлар биргаликда девлар билан жанг қиладиган саҳна тасвирланган (Мамиров О.У., 2023:46).

Уструшана аҳолисининг диний тасаввурларида аждодлар руҳига ҳурмат кўрсатиш, вафот этганларни улуғлаб дафн этиш жараёнида турли хил жонли ва жонсиз нарсаларни илоҳийлаштириш ва уларга сиғиниш кучли бўлган (Тошбоев Ф.Э., 2022:7). Аҳолиси ҳаётида бевосита аждодлар руҳига эътиқод қилиш анъаналари ҳақида маълумот берувчи буюм металл қўнғироқлар бўлган. Уларнинг асосий вазифаси инсу жинсдан сақловчи тумор бўлиб, жарангдор овози билан ёвузлик ва нопокликни ҳайдаган, дейилади. Тадқиқотчилар шу каби қўнғироқларни инсонни балолардан сақловчи аждодлар руҳи билан алоқадор эканини эътироф этадилар (Грицина А.А., 2000:206). Хулоса

қилганда, Уструшана ҳудуди кўчманчи ва ўтроқ халқларнинг туташув макони бўлгани инобатга олинса, аҳоли маънавий ҳаётида муҳим роль ўйнаган аждодлар руҳига сиғиниш ўзига хос дин ва эътиқодларнинг битта қоришиқ формаси бўлган, деб тахмин қилиш мумкин.

Уструшанада тошлар ёвуз кучлардан асровчи, мусибатлардан халос этувчи ашё сифатида эъзозланган. Зоминнинг Пешоғар қабристони ичидаги Оқтош ота зиёратгоҳи хонақохи ичидаги рамзий қабрда иккита йирик оқ тош мавжуд. Жиззахдаги Учқиз қадамжосида учта мустақил тош (тут, ойна тош ва учқиз тош) бор. Бу ерга келган зиёратчилар чироқ ёқиш, тут дарахтига латта боғлаш билан бир қаторда, устма-уст турган учқиз тошни уч маротаба айланиб, ният қиладилар. Жиззахдаги Соврук ота зиёратгоҳидаги тешиктош Хўжа Боғбон ота зиёратгоҳларидаги сирпанчиқ тош, Сўгаллитош, Парпи ойим, Тешиктош қадамжоларига аҳоли «инсон бошига бирон мушкул тушган кезларда халоскорлик вазифасини ўтайди» деб эътиқод қиладилар (Тошбоев Ф.Э., 2022:86). Уструшана аҳолиси орасида «фалончи тошга айланиб қолибди», «бошинг тошдан бўлсин», «борган жойингда тошдек қот» каби иборалар⁷ бугунги кунгача сақланиб қолган (Мамиров О.У., 2023:57).

Уструшананинг чорвадор аҳолиси орасида об-ҳавони турли хил афсун ва жодулар билан «бошқариш» (яда) ҳам кенг тарқалган (Тошбоев Ф.Э., 2022:194). Яда тошининг афсонавий хусусияти шундаки, у орқали ядачи махсус амалларни бажариб, исталган пайтда ёмғир, дўл, жала, шамол, бўрон, қуюн чақира олишига ишонилган. Маҳмуд Кошғарий «Девону луғотит-турк» асаридаги «يَتَ - (јат) – йат» сўзи тош маъносига бўлиб, муаллиф бу тош билан афсун қиладиган инсонлар «ятчи» деб аталишини айтиб ўтган. Ядачилик шаманизмдан ажралиб чиққан бўлиб, Кўк Тангри эътиқоди билан боғлиқ маросимларда ёмғир чақириш билан алоқадор удумларни кўриш мумкин (Жўракўзиев Н.И., 2018:15-16).

⁷ Мисол учун, Бўтатош вали зиёратгоҳи билан боғлиқ ривоятлар бор. Зиёратгоҳ Туяттош ва Бўтатош авлиёлар ёки уларнинг туяси билан боғлиқ. Ривоятда, Туяттош ва унинг фарзанди динга даъват қилиб юрган пайтда уларни душманлар таъқиб қилишади. Шунда Туяттош вали Аллоҳга илтижо қилиб, душман зарар етказмаслик учун фарзандига қарата «тош бўл» дейди ва фарзанди бўталоқ кўринишидаги тошга айланади. Айтишларича, она-бола йилда бир марта овоз чиқариб бўзлашар экан. Аҳоли ушбу тошни сел оқизиб кетмаслиги учун бир неча марта жойидан бир оз тепага кўчиришган, аммо тош яна ўз ўрнига қайтаверган экан (Грицина А.А. 2018: Б.205).

Уструшана аҳолиси тотемизмнинг ҳар хил кўринишлари билан биргаликда, маздаизмнинг олов ва бутларга сиғинувчи маҳаллий кўринишига ҳам эътиқод қилган. Аҳоли сиғиниш объектини аёл сифатида тушуниб, айрим руҳларни аёллар номи билан ҳам атаган. Бунинг тасдиғи сифатида Зоминнинг Увол номли қишлоғи ҳудудида жойлашган Парпи ойим зиёратгоҳи, Ховос ёдгорлигидан топилган Анахитага⁸, оналик сифатларига эга Умай она рамзларига⁹ сиғиниш Уструшана ҳудудида кенг тарқалганини кўрсатиш мумкин (Грицина А.А., 2018:180-181).

А.А.Грицинанинг таъкидлашича, қадимги Уструшана аҳолиси топинган Парпи ойим, аслида, қадимги туркий халқларнинг шаманизм эътиқодидаги оналикни бахш этувчи, чақалоқларни ёвуз кучлардан асраб-авайловчи, деб қаралган «Умай она»нинг исломдан кейинги даврдаги трансформацияни бошдан кечирган «Парпи она» («Оқ она», «Пок ва бегуноҳ она») тимсолида эътиқод қилинган кўринишидир (Грицина А.А., 2018:182).

Уструшанада кенг тарқалган диний эътиқодлар – анимизм ва тотемизм билан қоришиб кетган шаманизм билан боғлиқ тасаввурлар ҳам кенг ёйилган эди. Кўк Тангрига сиғиниш – Ўрхун битикларида ҳам қайд этилган. Мазкур битикларда «аввал юқорида мовий осмон, қуйида қора ер пайдо бўлди. Улар ўртасида инсон болалари вужудга келди», деган жумлалардаги «осмон» атамасида айнан, Кўк Тангри назарда тутилган. Бу ҳолат аجدодларга сиғинишнинг тотемистик ақидаси кўчманчилар маданиятида катта аҳамият касб этганини кўрсатади. Уструшана кўчманчи чорвадорлари ёрдамчи руҳлар, яъни парихонлар, отахонлар ва момолар мавжудлигига, шунингдек, дев ва жинлар борлигига қаттиқ ишонганлар. Асосан аёллар орасида тарқалган шаманизм эътиқоди қолдиқлари тарихий Уструшананинг

⁸ Одатда Нана-Анахита – ҳосилдорлик ва ўлиб, қайта тирилувчи табиат тимсолидир. Ушбу култ Марказий Осиёда зардуштийлик таълимоти қулоч ёйган вақтларда айниқса, Амударё ва Сирдарё оралиғида кенг тарқалган.

⁹ Маҳмуд Қошғарий «Умай» сўзининг мазмунига тўхтаб, уни «йўлдош» деган лексик маънода келтиради. Умайни ёш, туккан аёллар қорнидан чиқувчи нарса, деб, болани қорнидаги йўлдоши эканини баён қилади. Қадимги турк халқларида «Умайга сиғинса, ўғил бўлур» деган эътиқод кенг тарқалган. Умай она рамзлари: турли хилдаги рўзғор буюмлари, жумладан, ошиқ, камон ва ўк, жез тугма, урчуқ каби ашёлар билан бирга киндик ҳам тааллуқли бўлган (Жумабеков А., Аликулов Р. 1999:147).

чорвадорлар яшайдиган (баъзан шаҳарларда ҳам) воҳаларида бугунгача сақланиб қолган (Toshboev F.E., Akchaev F.Sh., 2020:13-15).

Қадимги Уструшана аҳолиси бир қисмини оташпарастлар (муғлар) ташкил этган. Бунда эътиқоднинг ўзига хос маҳаллий варианты оловга топиниш бўлган. Аҳоли арвоҳларнинг салбий таъсирини йўқотиш учун оловдан тўсиқ қўйиш мумкинлигига ишонган ва унга сиғинган (Бердимуратов А.Э., 1985:25; Мамиров О.У., 2023:63). Уструшаналикларнинг оловга сиғинганини асословчи мисол сифатида «Муғ» атамасини келтириш мумкин. Бу сўз, ўз моҳиятига кўра, оловга сиғинувчи маъносини англатган. Сангзор водийсида бунёд этилган Қинғиртепа ва Комилбоботепа қалъа работлари марказий иморатлари хоналаридан ўчоқнусха оташқадалар топилган.

Зардуштнинг оташпарастликка асосланган диний таълимоти катта таъсир кўрсатган чорвадор қабилалар орасида «Суғд ортидаги саклар»¹⁰ ҳам бўлган. Зардуштийликда¹¹ олов муқаддас ҳисобланиб, табиатдаги тўрт унсурнинг бири сифатида улуғланган. Зардуштий қавмларда бирон маросим оловсиз ўтмаган (Аширов А.А., 2007:69). Ёниб турган гулхан абадий ҳисобланиб, у маълум бир ота-боболар руҳига бағишланган. Қадимги уструшаналикларнинг оловга эътиқод қилиши икки хил асосга эга бўлиб, биринчиси, зардуштийларнинг оташпараст жамоалари таъсири бўлса, иккинчиси, даштдан келган кўчманчилар билан боғлиқ.

¹⁰ Уструшана ва унинг атрофида кўчиб юривчи қабилалар. Эрон аҳамонийларининг битиклар ва антик давр тарихчиларининг асарларида эса, Уструшанага туташ, Ўрта Сирдарё бўйи ҳудудида яшовчи чорвадор қабилалар, данай турлари, чўкки қалпоқ кийувчи – тиграхауда саклари, Сирдарё бўйи (Яксарт) саклари, Суғд орти саклари сифатида кўп бора эслатилган (Абаев В.И. 1956:17).

¹¹ Зардуштийлик ақидасига кўра, табиатнинг тўрт унсури – олов, сув, ҳаво (шабода), ер (тупроқ) муқаддаслаштирилган. Ер, сув, олов ва ҳавони ифлослантирмаслик зардуштийларнинг энг масъулиятли вазифаси ҳисобланган. Инсон вафот этгач, унинг жасади тўғри ерга дафн этилмаган. Унинг бошқа чора-тадбирлари кўрилган. Яъни, майитнинг жасади суяги этидан ажратиб олиш мақсадида ўргатилган ит ва қушлар «сукунат миноралари», деб номланган махсус қурилган баланд иншоотга ташланган ва хатто ўша давр «жарроҳлари» томонидан майитнинг суяклари этдан тозаланиб, қуёшда қуритилган. Суяклар сопол идишларда (хум, хумча, остадон) сақланиб, махсус жойлар хусусан, хилхона-сағаналарга қўйилган. (Пардаев М.Х., Ғофуров Ж.И., 2016:245-246).

МУҲОКАМА

Уструшанада илк ўрта асрларда бош манбаси «Заравах» китобида ёритилган «оқ эътикод» ва қимматбаҳо тақинчоқлар билан безатилган, ёғоч ҳайкал бўлган. Бут ва муғлар китоби махфий сақланган (Андрианов Б.В., Байпаков К. М., Брыкина Г.А., 1999:122). Қалъаи Қаҳқаҳада бутлар ибодатхонаси, Октепа ёдгорлигида «Олов уйи» ва Чоршахатепада ёғоч санамлар билан безатилган ибодатхона бўлган. Эски Зоминда араблар томонидан қурилган масжид ўрнида исломдан аввал зардуштийлик дини маъбудларидан бири Замга бағишлаб барпо қилинган ибодатхона бўлган. Шунингдек, Уструшана афшини Чирдмиш зардуштийлик динидаги Куёш ҳомийси «Митрадан тарқалган» маъносини билдириши (Грицина А.А., 2000:38) ҳамда Анахита ҳайкалчасининг топиллиши (Грицина А.А., 2015:№61), Уструшанада зардуштийликнинг кенг ёйилганини ҳамда ҳукмдорлар саройидаги бутлар эса маздаизмнинг алоҳида маҳаллий кўринишини ифода этган бут ва санамларга сиғиниш мавжуд бўлганидан дарак беради (Тошбоев Ф.Э., 2022:176).

Тадқиқотчи Н.Негматов бут ва санамлар билан боғлиқ диний тасаввурларни Суғд ва Уструшана аҳолиси диний таомилида бўлган зардуштийликнинг ўзига хос кўриниши сифатида талқин қилиб, ҳудуд аҳолиси – оловга¹² сиғингани ҳақидаги хабарлар билан асослайди (Негматов Н.Н., 1957:75). Улар марҳумларни Суғд ва Чочдаги каби остодонларда дафн этишган (Henning W.B., 1965:242–254). Бу Уструшанада ҳам Суғд ва Чоч каби анъаналар амал қилганини исботлайди. Дарҳақиқат, Уструшананинг деярли барча шаҳар ва қишлоқларидаги қалъа ёдгорликлари ҳамда қадимий мазорларидан зардуштийларнинг ўлим ҳодисаси билан боғлиқ маросимларида фойдаланилган остодонлар топилган. Бундай фактлар Уструшанада исломга қадар ўтроқ дехқон аҳоли зардуштийликка амал қилганини кўрсатади.

Қадимги Уструшанада зардуштийлик билан бир қаторда буддавийлик ҳам мавжуд бўлган. Ҳудуднинг муҳим стратегик ўрни унинг

турли дин ва ғояларнинг ўзаро кесишув ва кураш нуктаси сифатида ҳам шакллантирган. Бундай синкретизм Уструшана илмий-маънавий муҳитининг ўзига хос тарзда шаклланишига хизмат қилган. Тадқиқотчи Б.А.Литвинскийга кўра, буддавийлик шимоли-ғарбий Ҳиндистон ва жанубий Афғонистон (Қандаҳор) орқали тахминан мил.ав. III асрда Бактрияга тарқала бошлаган. Канишка I даврида аҳоли, асосан, буддавийлик динининг маҳаяна мазҳабига эътикод қилган. Кўплаб буддавийлик ибодатхоналари қурилган. Зоминдаги Октепа шаҳар-ёдгорлигининг илк ўрта асрлар қатламларидан Вазра хункар маъбудининг ҳайкалчаси топилгани буддавийлик динининг Уструшанада ҳам мавжуд бўлгани ва унинг шарқий ўлкаларга ёйилишида Уструшана муҳим рол ўйнаганини кўрсатади (Тошбоев Ф.Э., 2022:175).

Уструшана афшинларидан Чирдмиш, Сатачари III ва Раханча III томонидан зарб этилган тангалар ҳам эътиборга моликдир (Грицина А.А., 2000:38-42). Чирдмиш зарб қилдирган тангаларда қанотли тож кийган ҳолда, боши буддавий иконографикасига хос бурилганрок кўринишда тасвирланган. Тадқиқотчи Грицина А.А. Уструшана сўзини келиб чиқишини IV-V асрларда Ҳиндистон билан бўлган кучли алоқалар натижасида кириб келган буддавийлик илоҳларидан бири бўлган Судуршана номи билан боғлайди (Грицина А.А., 2000:38). Уструшана афшини Сатачари III тангаларида эса ҳиндларнинг филсифат худоси донишмандлик тимсоли, савдосотик ҳимоячиси Ганеша кўринишида, боши ўрнига фил расми туширилган ва жаноб Сатачари¹³ ёзуви кўринишда акс эттирилган.

Айтиш жоизки, буддавийликнинг Ўрта Осиёга тарқалиш кўлами ҳақида ўзаро зиддиятли маълумотлар бор. Масалан, 630 йилда Ўрта Осиёда бўлган хитойлик сайёҳ Сюан Цзан маълумотида кўра, Суғд ва Уструшанада буддавийлик дини умуман бўлмаган. 726 йилда Ўрта Осиёга келган яна бир хитойлик сайёҳ Хой Чаонинг таъкидлашича, Самарқандда ягона будда ибодатхонаси бўлиб, у ерда бир нафар кохин фаолият олиб борган. Қолган ҳудудларда ибодатхоналар бўлмаган (Негматов Н.Н. 1957:75).

Уструшана аҳолисининг бутпараст бўлганини Абу Жаъфар Табарий маълумотларидан ҳам билса бўлади. Унинг ёзишича, 737 йилда Хутталон валиаҳди Аха Жиш бошчилигидаги қочоқлар Уструшанада араб босқинидан паноҳ топади. Улар ўзлари билан олиб келинган олтиндан ясалган

¹² Хитой солномачиси Сюан Цзан Еча шаҳри яқинида жойлашган доимо ёниб турувчи ғор ва унга эътикод жараёнини тасвирлайди. Унга кўра аҳоли ҳар йили икки марта ёниб турувчи ғорга қурбонлик келтиришган ва сиғинишган. Зардуштийликда оловга гуноҳлардан тозаловчи сеҳрли куч, ёруғлик тимсоли сифатида қаралган ва шу сабабли ибодатхоналарнинг меҳробларида, ҳар бир уйда эса махсус идиш-шамдонларда «мангу олов» доим ёниб турган (Грицина А.А., Мамаджанова С.Д., Мукимов Р.С. 2013:10-11).

¹³ Сатачари исми эса санскрит тилидаги «Садачарья» – «ўқитувчи» маъносини беради (Грицина А.А. 2000: 40-41).

кўп сонли бутларни Уструшанадаги ибодатхона (бутхона)га ўрнатишади. Кейинчалик Буттам худудини қайтадан истило қилган Кутайба қўшини қўлга киритган ўлжалар орасида олтиндан ясалган бутлар ҳам бўлган (Пардаев М.Х., Ғофуров Ж.И., 2016:241).

Уструшананинг Нужкет қишлоғида жойлашган, милодий I-II асрларга оид Будда ибодатхонасидан топилган шер ва итлар билан ўтирган Будда ва Бодхисатва тасвирланган ҳайкалчалар топилгани, Зоминдаги Оқтепа шаҳар-ёдгорлигидан терракотасанам ҳайкалчалар қазиб олингани, олтиндан ясалган бутлар ибодатхонага қўйилгани мамлакат аҳолисининг аксарияти буддавийликка эътиқод қилганини кўрсатади (Пардаев М.Х., Ғофуров Ж.И., 2016:240-242).

Марказий Осиё тарихида ўзига хос ўрин тутган монийлик дини вакиллари Уструшунага кириб келгунига қадар аҳоли буддавийликка эътиқод қилган. Таълимотнинг VI асрда туркийлар орасидаги тарғиботида самарқандлик Кан Сюань - Чан Мин («Мангу ёғду»)нинг муносиб ҳиссаси бўлган (Зуев Ю.А., 2002:184). Моний ва унинг издошлари томонидан турли мазмун ва мавзудаги кўплаб асарлар яратилган¹⁴. Тасвирий санъатга алоҳида эътибор берилган (Gimaret D., 1969:28-34; Menges K.H., 1991:81-85) монийлик таълимоти зардуштийлик, буддавийлик, христианлик каби динлар синтези эди. У зардуштийликдан дуалистик назарияни, христианликдан хоч тимсолини олади ва динлараро синтез маҳсули сифатида Уструшанада маълум ўринга эга бўлди.

Илк ўрта асрларда Уструшана диний-маънавий ҳаётида христианлик динининг несториан оқими ҳам муайян ўрин тутган. Тарихий манбаларга кўра, христианликни маҳаллий аҳоли орасида тарқатувчилар Ўрта Осиёнинг турли вилоятларига милоннинг I асрларида кириб келган. Миссионерлар фаолияти натижасида III асрда Талос (Марке) церковлари қурилган. Самарқандда – IV асрда, Марвда – IV асрда, Хиротда – V асрда, Хоразмда ва Марказий Осиёнинг бошқа шаҳарларида

¹⁴ Моний қарашлари Эронда зардуштий қохинлар эътирозига учраб, 275 йилда Баҳром I (275-282) фармони билан Моний зиндонга ташланиб, қатл этилди. Унинг тарафдорлари Эрондан қувғун қилинди. Натижада моний жамоалари Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон (Қошғар)дан паноҳ топди. Монийдан 10та китоб (7таси диний-таълимот асоси (канони) – ақидаларига бағишланган) сақланиб қолди. Монийлик таълимотида «Mahnammag» («Қуёшнома»), «Хуастуанифт» («Тавбаном»), «Nafname» – «Халқнома» каби асарлар катта аҳамиятга эга. (Қаранг: Boyce M.A. 1960:12-20).

епископлик, миссиялар тузилган. Кейинчалик Самарқандда, Марвда V асрда, Хиротда VII асрда епископликдан иборат диний худудий жамоалар, бирлашмалар бўлган. IV аср бошларида ташкил этилган Марв епископлиги, V аср бошида митрополияга айланган. Хусусан, Самарқанддаги Қўштепа ёдгорлигидан рухонийлар тарбияланган ўқув муассасаси топилган (Mingana A., 1925:301). Умумий қилиб айтганда, насронийлик туркий қабилалар яшайдиган худудларга асосан IV-VII асрларда тарқалган.

Насронийлик таълимотига оид асарлар сурёний ёзуви (эстрангало)да суғд тилига кўчирилган. Бухоро Суғди ва Уструшанадан насроний дини тимсоллари туширилган буюмлар ва тангалар топилгани (Иваницкий И.Д., 1994:64-70) бу дин тарқалган худудлар кўламини кўрсатади. Уструшанада мусулмончилик устувор мавқега эга бўлган X асрда ҳам аҳолининг айрим қисми насронийлик динидан воз кечмаган. Бунга Уструшананинг Сирдарё кечуви яқинидаги насронийлар яшаган Винкерд номли қишлоқ далил бўла олади (Бартольд В.В., 1962:79). Аммо манбалар кўрсатишича, насронийлик дини Уструшанада етакчи мавқега кўтарилмаган.

НАТИЖА

Ислом динининг Арабистон ярим оролида қарор топиши ва минтақаларга ёйилиши VII-VIII асрларнинг энг муҳим воқеаси бўлди. VII асрнинг иккинчи чорагида таназзулга учраган Сосонийлар салтанати тугатилгач, 651 йилгача Хуросон ва 751 йилга қадар, жиддий қаршиликларга қарамай, Мовароуннахрнинг эгалланиши минтақадаги тарихий жараёнларнинг янги даврини бошлаб берди.

Уструшана худудида исломнинг ёйилиши ва асосий диний ақидага айланиши камида икки босқичда кечди. Биринчи босқичда Уструшанада араблар билан тузилган сулҳнинг шарти сифатида ислом динини қабул қилиш масаласи умуман кўтарилмаган. Унда асосан муайян маблағнинг тўланиши, қанчадир қулни етказиб бериш шартлари белгиланган. Аммо ўша даврларда аҳолининг муайян гуруҳлари ихтиёрий равишда исломни қабул қилгани тарихий ҳақиқатдир. Иккинчи босқич Уструшанада ислом таълимотининг кенг ижтимоийлашуви, дастлаб Тоҳирийлар (821-873), сўнгра Сомонийлар (874-999) сулолаларининг мустақил ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Сомонийлар сиёсати туфайли ҳам миллий, ҳам

мусулмон маданияти жадал ривожланди. Ушбу сулола даврида кўплаб масжидлар ва мадрасалар курилди, ислом илмлари ривожланди. Бу босқичда маҳаллий зиёлилар ислом таълимотини пухта ўрганди, унинг моҳиятига кириб борди. Улар орасидан машхур муҳаддис, мутакаллим, муфасссир ва фақиҳлар етишиб чиқди. Қорахонийлар (999-1212) ва Салжуқийлар (1037-1300) ҳукмронлиги давомида ислом динининг ижтимоий қамрови янада кенгайди.

1220 йилнинг мартида мўғуллар Дизакни забт этиб, бузғунчилик ҳаддан ошганига қарамай, ислом илмлари ўз мавқеини сақлаб қолди. Бундай мавқени таъминлаб берган олимларнинг пешқадамлари сифатида Муҳаммад ибн Маҳмуд Уструшаний, Кабир ибн Кабир Дизакий ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

ХУЛОСА

– Уструшана аҳолисининг диний тасаввурлари ўрта полеолит давридаёқ шакллана бошлаган; ибтидоий эътиқодларнинг турли кўринишлари параллел равишда мавжуд бўлган, жаҳон динлари саналадиган буддавийлик ва насронийлик эса минтақага тарихий кетма-кетликда кириб келган; Уструшана аҳолиси илк ўрта асрлардаёқ диний бағрикенгликни ўзида намоён қилди. Унинг бир қисми буддавийликка эътиқод қилган бир шароитда бошқа динлар ҳам параллел мавжуд бўлгани ва аҳоли буддавийлик динига мажбур қилинланмагани бунинг исботидир.

– Араблар Уструшанага келган пайтда аҳоли зардуштийликнинг муайян кўринишига ҳам эътиқод қилган. Уструшана деҳқонлари ва чорвадорлари ўртасида диний эътиқод борасида фарқлар мавжуд бўлса-да, улар муайян маънода бир-бирини тўлдириб турган.

– Ислонинг кириб келиши Уструшана ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жадал суръатлар касб этиши ҳамда илмий-маданий юксалишининг муҳим омили бўлиб хизмат қилди. Ўлканинг исломлашуви жараёни дастлабки босқичларда катта рол ўйнаган иқтисодий имтиёзлар кейинчалик ўз кучини йўқотиб борди. Ислон аҳкомлари таъсири остида маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи, оилавий ва ижтимоий муносабатлар, ахлоқий ва ҳуқуқий қарашлари ўзгариб борди. Ислон ақидаларига зид одатлар иккинчи планга ўтди ёки бутунлай заволят топди. Ислон мезонлари Уструшана аҳолиси маданиятининг навбатдаги босқичлари мазмун-моҳиятини белгилаб берди.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдолниёзов Б., Исҳоқов М. (2008). Авеста ва қадимги чорвачилик. Тошкент.
2. Андрианов Б.В., Байпаков К.М., Брыкина Г.А. (1999). Средняя Азия и Дальний Восток в эпоху средневековья... Москва.
3. Аширов А.А. (2007). Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. Тошкент.
4. Бартольд В.В. (1962). Афшин / Соч. Москва: Наука, Т. II.
5. Бартольд В.В. (1962). Сарт / Соч. Москва: Наука, Т. II (2).
6. Бердимуратов А.Э. (1985). Раннесредневековые археологические памятники Джизакского оазиса... Москва.
7. Бичурин И. (1851). Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии. I. Москва.
8. Бичурин Н.Я. (Иакинф). (1950). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии... М.-Л.
9. Богомолов Г.И. (2008). Образ Гопатшаха в Чаче // ИМКУ № 36. Ташкент.
10. Бойс М. (2003). Зороастрийцы. Верования и обычаи. Санкт-Петербург.
11. Грицина А.А. (2000). Уструшанские были. Ташкент.
12. Грицина А.А. (2015). Анахиты согдийская и уструшанская // Самаркандский вестник.
13. Грицина А.А. (2018). Қадимий Зомин. Тошкент.
14. Грицина А.А., Мамаджанова С.Д., Мукумов Р.С. (2013). Археология, история и архитектура средневековой Уструшаны. Самарканд.
15. Дубова Н.А. (2012). Погребение животных в стране Маргуш // ТМАЭ. Москва.
16. Елизаренкова Т.Я. (1989). Ригведа. Мандалы I-IV. Москва.
17. Жўракўзиев Н.И. (2018). Қадимги туркий ёзма ёдгорликларда космогоник мифология. Тошкент.
18. Жумабеков А., Аликулов Р. (1999). Қадимги турк халқларида умай она тушунчаси. Самарканд.
19. Зуев Ю.А. (2002). Ранние тюрки: очерки истории и идеологии. Алматы.
20. Иваницкий И.Д. (1994). Христианская символика в Согде. Ташкент.
21. Каташ С. (1978). Мифы, легенды Горного Алтая. Горно Алтайск.
22. Литвинский Б.А. (1960). Саки которые за Согдом... Душанбе.
23. Мамиров О.У. (2023). Шимолий-ғарбий Уструшона моддий ва маънавий маданияти. Тошкент.
24. Мирбабаев А.М. (2005). Дахмаки Курката... Душанбе.
25. Menges K.H. (1991). Manichaeism, Chirstentum und Buddhismus... // CAJ.
26. Mingana A. (1925). The Early Spread of Christianity in Central Asia... Manchester.
27. Негматов Н.Н. (1957). Уструшана в древности... Сталинабад.

28. Пардаев М.Х. (1995). Қўй ва бўри рухига сифиниш... Тошкент.
29. Пардаев М.Х., Ғофуров Ж.И. (2016). Уструшонанинг ilk ўрта аср қишлоқ маконлари. Тошкент.
30. Тошбоев Ф.Э. (2022). Қадимги уструшона чорвадорлари маданияти. Тошкент.
31. Утби Абу Наср Мухаммад ибн Абд ал-Джаббар. (1988). Тарихи Йамани. Ташкент.
32. Ходжаев А. (2010). Из истории древних тюрков... Ташкент.
33. Gimaret D. (1969). Bouddha et les bouddhistes dans la tradition musulmane // JA.
34. Henning W.U. (1965). A Sogdian God // BSOAS. Vol. 28.
22. Litvinskiy, B. A. (1960). Saki kotorye za Sogdom. Dushanbe.
23. Mamirov, O. U. (2023). Shimoliy-g'arbiy Ustrushona modiy va ma'naviy madaniyati. Tashkent.
24. Mirbabaev, A. M. (2005). Dahmaki Korkata. Dushanbe.
25. Menges, K. H. (1991). Manikheyizm, Khristianstvo i Buddizm. CAJ.
26. Mingana, A. (1925). The Early Spread of Christianity in Central Asia. Manchester.
27. Negmatov, N. N. (1957). Ustrushana v drevnosti. Stalinoabad.
28. Pardaev, M. Kh. (1995). Qo'y va bo'ri ruhi siqinish. Tashkent.
29. Pardaev, M. Kh., & Ghofurov, Zh. I. (2016). Ustrushonaning ilk o'rta asr qishloq makonlari. Tashkent.
30. Toshboev, F. E. (2022). Qadimgi Ustrushona chorvadorlari madaniyati. Tashkent.
31. Utbi, Abu Nasr Muhammad ibn Abd al-Jabbar. (1988). Tarkhi Yamani. Tashkent.
32. Khojayev, A. (2010). Iz istorii drevnikh tyurkov. Tashkent.
33. Gimaret, D. (1969). Bouddha et les bouddhistes dans la tradition musulmane. JA.
34. Henning, W. U. (1965). A Sogdian God. BSOAS, vol 28

REFERENCES

1. Abdolnizozov, B., & Is'hoqov, M. (2008). Avesta va qadimgi chorvachilik. Tashkent.
2. Andrianov, B. V., Baipakov, K. M., & Brykina, G. A. (1999). Srednyaya Aziya i Dalniy Vostok v epokhu srednevekov'ya. Moscow.
3. Ashirov, A. A. (2007). O'zbek xalqining qadimiy e'tiqod va marosimlari. Tashkent.
4. Bartold, V. V. (1962). Afshin / Soch. Moscow: Nauka, Vol. II.
5. Bartold, V. V. (1962). Sart / Soch. Moscow: Nauka, Vol. II(2).
6. Berdimuradov, A. E. (1985). Rannesrednevekovye arheologicheskie pamyatniki Dzhizaksakogo oazisa. Moscow.
7. Bichurin, I. (1851). Sobraniye svedeniy o narodakh obitavshikh v Sredney Azii, Vol. 1. Moscow.
8. Bichurin, N. Ya. (Iakinf). (1950). Sobraniye svedeniy o narodakh, obitavshikh v Sredney Azii. M.-L.
9. Bogomolov, G. I. (2008). Obraz Gopatshakha v Chache. IMKU, 36. Tashkent.
10. Boyce, M. (2003). Zoroastriysy. Verovaniya i obychai. Saint Petersburg.
11. Gritsina, A. A. (2000). Ustrushanskije byli. Tashkent.
12. Gritsina, A. A. (2015). Anakhity sogdiyskaya i ustrushanskaya. Samarkandskiy vestnik.
13. Gritsina, A. A. (2018). Qadimiy Zomin. Tashkent.
14. Gritsina, A. A., Mamadjanova, S. D., & Mukimov, R. S. (2013). Arkheologiya, istoriya i arkhitektura srednevekovoy Ustrushany. Samarkand.
15. Dubova, N. A. (2012). Pogrebeniye zhivotnykh v strane Margush. TMAE. Moscow.
16. Elizarenkova, T. Ya. (1989). Rigveda. Mandaly I-IV. Moscow.
17. Juraquziev, N. I. (2018). Qadimgi turk yozma yodgorliklarda kosmogonik mifologiya. Tashkent.
18. Jumabekov, A., & Aliqulov, R. (1999). Qadimgi turk xalqlarida Umay ona tushunchasi. Samarkand.
19. Zuev, Yu. A. (2002). Rannie tyurki: ocherki istorii i ideologii. Almaty.
20. Ivanitskiy, I. D. (1994). Khristianskaya simbolika v Sogde. Tashkent.
21. Katash, S. (1978). Mify, legendy Gornogo Altaya. Gorno-Altaysk.

